

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАР ВА ЭГА ГАПНИНГ МУСТАҚИЛ БЎЛАГИ

Хасанова Вазира,
Юсупов Шерматилла
Искандарова Ойбиби,
Аманликова Нафиса
Ўзбек рус тили кафедраси
Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация

Мақолада ўзбек ва рус тилларнинг грамматик тузилиши турли тил системаларига мансублиги, Хусусан, ўзбек тили агглютинатив тиллар группасига мансублиги, ўзбек ва рус тилларидаги иккинчи даражали бўлаklar ва эга гапнинг мустақил бўлаги ҳақида маълумотлар кен манбалар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:Предмет, сифат, белги, гап, аниқловчи ҳаракат, тўлдирувчи ҳол, восита, объект.

Маълумки, ўзбек ва рус тилларнинг грамматик тузилиши турли тил системаларига мансублиги билан характерланади. Хусусан, ўзбек тили агглютинатив тиллар группасига киради, шунинг учун сўзга ҳар қандай аффикс уланганда ҳам сўзининг дастлабки шакли сақланади, маъносига путур етмайди, унга кетма-кет уланаётган аффиксал сўзлар бир-биридан осонлик билан ажралади. Маълумки, отга боғланиб, предметнинг сифати, белгисини билдирган гап бўлаklари аниқловчи (определение) деб, ҳаракат воситаси, объекти, ҳолатини билдирган гап бўлаklари тўлдирувчи (дополнение) ва ҳол (обстоятельство) деб аталади. Тўлдирувчилар воситали келишиқдаги предмет ва шахс номлари билан ифодаланиб, ҳаракат воситаси ёки объектини билдиради: Акамга айтаман.— Сажу брату каби. Ҳоллар ҳаракатининг пайти, ўрни, сабаби, мақсади кабиларни билдирадиган ва асосан равишлар ва воситали келишиқларда келган ўрин, пайт номлари билан ифодаланади: Эртага келади. Приедет завтра каби. Иккинчи даражали бўлаklарнинг бу хусусиятлари ўзбек ва рус тилларнинг иккаласи учун умумийдир. Ўзбек тилида аниқловчилар отга эргашув шаклига кўра асосан икки группага— сифатловчилар ва қаратқичларга ажралади:

1. Сифатловчилар сифат, сон, сифатдош, равиш ҳамда сифат вазифасидаги от ва олмошлар билан ифодаланади: Боғда чиройли гуллар очилган. Укам бешинчи синфда ўқийди. Сен магазиндан қандай китоб олдинг? Ухлаётган боланинг ёнида қаттиқ гапирманг. Шунча дафтарни қаердан олдинг? каби. Сифатловчилар сифатланмиш отга боғлашув йўли билан эргашади. Бу хил сифатловчилар рус тилида кўпинча мослашган аниқловчиларга эквивалент бўлади: Азамат қизил галстук олди.— Азамат получил красный галстук. Иккинчи курс студентлари имтиҳонларни топшириб бўлишди.— Студенты второго курса сдали экзамен. Ўтган кунларни эсладик.— Мы вспомнили минувшие дни. Бундай қаламлар қайси магазинда бор? — В каком магазине имеются такие карандаши? Магазинда тилла соат бор — В магазине имеются золотые часы каби. Сифатловчилар -лик, -ли, -сиз қўшимча ясама сифатлар билан ифодаланганда, унга рус тилида нз ёки с предлоги родительный (баъзан творительный) келишиқдаги от эквивалент бўладн: москвалик меҳмонлар — гости из Москвы. соқолли киши

— человек с бородой. муқовасиз китоб — книга без обложки каби. Ўзбек тилида сифатловчилар сўз бирмкмаси билан ҳам ифодаланади: Эрталабдан ёға бошлаган қор кечга яқин тинди. Снег, начавшийся утром, прекратился только к вечеру каби. Мураккаб сифатловчилар вазифасида потенциал эга ва кесимдан нборат бўлган бирикмалар ҳам келиши мумкин. Масалан: Аҳмад олган милтиқ (ружьё, которое взял Ахмед), соқоли узун одам (человек с длинной бородой) каби. Бу хил сифатловчилар қуйидаги хусусиятларга эга: а) таркибида сифатдош бўлган мураккаб сифатловчига рус тилида кўпинча эргаш гап эквивалент бўлади: Озод ёзган хатни олдим.— Я получил письмо, которое написал Азад. Бобонг айтиб берган эртаски биласанми?— Ты знаешь сказку, которую рассказал твой дедушка? каби; б) таркибида сифат бўлган мураккаб сифатловчиларнинг компонентлари баъзан ўрин алмашиши мумкин. Қиёсланг: эшиги чиройли бино — чиройли эшикли бино, соқоли узун киши — узун соқолли киши каби. Булар рус тилида эргаш гап ёки бирикма билан берилади: эшиги чиройли ховли — двор с красивыми дверями, соқоли узун киши — человек с длинной бородой ёки человек, у которого длинная борода каби. в) бор, йўқ сўзлари билан тузилган мураккаб сифатловчи ўринда -ли ёки -сиз қўшимчали содда сифатловчи қўлланиши ҳам мумкин, Қиёсланг: фартуги бор теримчилар — фартукли теримчилар. (Сборщики, у которых есть фартуки ёки сборщики в фартуках.) Қайғуси йўқ киши бормикан? —Қайғусиз киши бормикан? (Есть ли человек, у которого нет горя. Ёки: Есть ли человек без горя.) каби; г) мураккаб сифатловчининг яна бир яъни сифатдошли оборотдир. Сифатдошли оборот қиёсланаётган иккала тилда ҳам бор. Мисоллар: Ҳиндистондан келган меҳмонлар университетни бориб кўрдилар,— Гости, приехавшие из Индии, посетили университет каби. Шуни алоҳида таъкидлашимиз жоизки Ўзбек ва рус тилларида эга гапнинг мустақил бўлаги бўлиб, турли сўз туркумлари билан ифодаланади. Предикатив эга қиёс қилинаётган иккала тилда ҳам предмет ёки шахсни билдирувчи ҳамда айрим сўз ёки сўз бирикмаси билан ифодаланган бош бўлакдир. У аниқланган предмет ёки шахснинг ҳаракати ёхуд белгиси кесим орқали (предикация йўли билан) аниқланади. Гапнинг эгаси кесим томонидан аниқланганлиги учун предикатив эга деб аталади ва қаратқич эгадан фарқ қилади.

Предикатив эга вазифасида келган ҳар бир сўз ёки сўз бирикмаси иккала тилда ҳам бош келиши (именителный падеж) сўроғига (ким?, кимлар? – кто?; нима?, нималар? – что?) жавоб бўлади.

Рус тилида предикатив эга ўзбек тилидаги каби от, сифат, сон, олмош, феъл ва бошқа сўз туркумлари ҳамда турли сўз бирикмалари билан ифодаланади.

Рус тилида предикатив эганинг ўзига хос энг муҳим грамматик хусусиятлари қуйидагилар: а) эга вазифасида келган конкрет сўзнинг (асосан отнинг) грамматик категорияларига кесимнинг грамматик формаси қатъиян тобе бўлиши шарт, бинобарин, кесим кўрсаткичининг шаклланиши эгага қатъий боғлиқ; б) эга кўп гапларда конкрет предикатив шахс категориясини (яъни уч конкрет шахсдан бирини) ифодалайди.

Кесим предикацияловчи (яъни аниқлаш, такидлаш, инкор қилиш каби йўллар билан гап ҳосил қилувчи) категория сифатида қуйидаги маъноларни ифодалайди:

Предметнинг ҳаракатининг билдиради: Карим кетди, Карим ушёл, каби.

Предметнинг белгиси. Сифати. Хусусиятини билдиради. Эгасиз гапда кесим маълум бир предмет ёки ҳодисанинг ҳозир ёки доим мавжуд эканлигини ўтган ёки келаси замонда бўлишини ифодалаши мумкин. Масалан: ўзбек тилида: Қиш пайти эди.

Ўзбек ва рус тилларида кесим ўзига хос грамматик хусусиятларга ҳам эга.

Ўзбек тилида кесим содда ва мураккаб бўлиб, турли предикатив (кесимлик) кўрсаткичлар билан шаклланади. Кесим вазифасида келган сўзларда шахс – сон қўшимчалари, модаллик ва замон кўрсаткичлари бўлади.

Феълнинг буйруқ майли формаси билан ифодаланган кесимлар. Бу хил кесимлар, асосан, иккинчи шахс бирлик ва кўпликда ишлатилади. Бирликда улар –и, -й, -, - ис, -йся, - ся аффикслари билан шаклланади. (иди, читай, сяд, учис, умойся, оденся каби), кўпликда эса шу кўрсаткичларга –те қўшилади ёки –итес, -йтес, -этес, - тес қўшимчалари ишлатилади (идите, читайте, сядте, учитес, умойтес, одентес каби).

Рус тилидаги кесимлар яна қуйидаги хусусиятларга эга:

Рус тилида инфинитив кесим эга билан мослашмайди. У эгали ва эгасиз (шахсиз) гапларнинг кесими вазифасида келади.

Эгали гаплардаги инфинитив кесим: таъкидлаш маъносини ифодалайди: Моя сел-получит высшее образование. Менинг мақсадим олий маълумот олишдир; Тилшунос олим О.Азизов иккинчи даражали бўлақларни икки гуруҳга 1) отга эргашувчи иккинчи даражали бўлақлар 2) феълга эргашувчи иккинчи даражали бўлақларга ажратган эди.

Аниқловчи. Маълумки, отга боғланиб, предметнинг сифати, белгисини билдирган гап бўлақлари аниқловчи (определение) деб, ҳаракат воситаси, объекти, ҳолатини билдирган гап бўлақлари тўлдирувчи (дополнение) ва ҳол (обстоятельство) деб аталади.

1. Сифатловчилар сифат, сон, сифатдош, равиш ҳамда сифат вазифасидаги от. Рус тилида аниқловчилар мослашган (согласованное определение) ва мослашмаган (несогласованное определение) бўлади.

1. Мослашган аниқловчилар сифат, тартиб сон, сифатдош, олмош билан ифодаланади. Мослашган аниқловчининг аниқланмиш билан структурал муносабати қуйидагича:

Маълумки, рус тилида отлар учта грамматик группага, яъни мужской, женский ва средний род отларига ажралади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос келишикларда турланади. аниқловчилар ўз грамматик формаларини (ўзгарувчи қўшимчаларини) аниқланмишнинг юқорида кайд килинган грамматик маънолари билан мослаб келади.

2. Мослашмаган аниқловчи родительный келишикдаги ёки бошқа воситали келишикдаги отлар билан ифодаланиб, аниқланишдан кейин келади: книга брата (акамнинг китоби), книги, брата (акамнинг китоблари), с книгами брата (акамнинг китоблари билан), о книгах брата (акамнинг китоблари хақида).

Мослашмаган аниқловчиларнинг баъзи грамматик хусусиятлари уларни ўзбек тили билан қиёслаганда равшан кўринади. Чунончи:

а) предлогсиз родительный келишикдаги от билан ифодаланган аниқловчилар аниқловчидан кейин келади ва икки предметнинг бир-бирига қарашлилигини, хусусиятини, сифатини билдиради. Бу аниқловчиларга ўзбек тилида аниқловчи от олдидан келадиган қаратқич эквивалент бўлади: директор школ — мактаб директори. Его, ее, их, формалари аниқловчи вазифасида аниқловчидан олдин келади: его дом — унинг уйи .

Тўлдирувчи. Маълумки, ҳар иккала тилда ҳам тўлдирувчилар воситасиз (прямое) ва воситали (косвенное) бўлади. Воситасиз тўлдирувчилар ўзбек тилида тушум келишикдаги отлар билан, рус тилида эса предлогсиз винительный келишикдаги сўзлар билан ифодаланади.

Қиёсланаётган ҳар икки тилдаги тўлдирувчиларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари мавжуд. Хусусан, ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчилар белгили тушум келишикда (-ни

қўшимчаси билан) ва белгисиз тушум келишида (қўшимчасиз) келган сўзлар билан ифодаланиши мумкин. Маълумки, ўзбек тилида феълнинг орттирма даражаси олдида ҳам тўлдирувчи келади.

Қўшма гап рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам тузилиши ва мазмунига кўра ўта мураккаб бўлиб, ҳар бир тилнинг уз имкониятлари доирасида намоён бўлади. Тузилиш жиҳатидан алоҳида таъкидлашга лойиқ ҳодиса шуки, ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, эргашган қўшма гапларнинг маълум турида эргаш гапнинг кесими шахсли (тусланган) феъл билан омас, балки равишдош билан ифодаланади; Этик очилиб Чўлпонойнинг онаси кўринди (П. Қодиров). Рус тилида эса қўшма гап таркибидаги ҳар бир предикатив қисмнинг кесими шахсли (тусланган) феъл билан ифодаланади: Благодаря тому что мы строго соблюдаем график движения поездов, количество перевозок значительно увеличивается.

Рус тилида эргашган қўшма гаплар “сложноподчинение предложения нерасчлененной структур” ва “сложноподчинение предложения расчлененной структур” деб иккига ажратилади. Биринчи тур қўшма гапда эргаш гап бош гапдаги от билан ифодаланган бўлакка бевосита тааллуқли бўлади, шу бўлакни аниқлайди (сифатлайди); бошқа тур сифатловчилардан фарқи шуки, таркибида эга бўлак қатнашади, демак, тузилиши жиҳатидан гапга тенг бўлади. Қиёс қилинг: Он взял книги, которые нужны ему.—Он взял книги, нужны ему. Биринчи мисол аниқловчи эргаш гапли қўшма гапга, иккинчи мисол эса сифатдош оборотли содда гапга тенг.

Кўринадики, бу қисмлар синтактик алоқа нуқтаи назаридан бир хил; бирини гап, иккинчисини бўлак деб белгилашда уларнинг ички синтактик сурилишидан келиб чиқилади. Бундай эргаш гапли қўшма гапда асли икки предикатив боғланмашг тенг мавқедаги алоқаси содир бўлмайди, эргаш гап бошқа бир гапга эмас, балки ўша гап таркибидаги маълум бир сўзшаклга тааллуқли бўлади. Фақат предикативлик белгиларга тўлиқ эга эканлиги (тўлиқ шаклланган эга ва кесимнинг мавжудлиги) туфайли уни гап деб тан олиш лозим бўлади. Ўзбек тилида сифатловчи одатда сифатланишидан олдин жойлашади, бундай ҳолат сифатловчи якка сўз шакл билан ифодаланганда ҳам, бирикма билан ифодаланганда ҳам бирдек воқе бўлади: У керакли китобларни олди.— У ўзига керакли китобларни олди каби. Ўзбек тилида, рус тилидан фарқли ҳолда, предикатив боғланма ҳам сифатловчи бўлиб кела олди: У қариликдан... четлари қизарган кўзларини Гулнорга алақандай ҳирс билан тикди (Ойбек). Предикатив боғланма сифатловчи бўлиб келиши учун маълум ўзгаришлар юз беради, албатта. Масалан, Мен ёқтирдим предикатив боғланмаси сифатловчи бўлиб келиши учун тусловчи ташланиши, замон ясовчиси эса сифатдош ясовчисига алмаштирилиши лозим, Натижада предикатив боғланма гаплик ҳолатини юқотиб, сифатловчи бўлакка хос шакл олади. Бундай ўзгаришлардан кейин предикатив боғланмани гап деб бўлмайди: Мен ёқтирган куйни чалинг каби. Рус тилида қўшма гап билан ифодаланган мазмун ўзбек тилида ҳам кўпинча гап билан ифодаланади: Выпал обильный снег, поэтому стало ходить трудно.— Қор жуда қалин ёғди, шу сабабли юриш қийинлашди каби. Бундан қатъи назар, рус тилида қўшма гап билан ифодаланадиган мазмунни ўзбек тилида содда гап билан ифодалаш ҳам анчагина учрайди, бунда рус тилида гап билан ифодаланган мазмун ўзбек тилида оборот билан ифодаланади: Я знаю, что ты сегодня работаешь.— Мен сенинг бугун ишлашингни биламан. Он благодарен тебе за то, что ты оказал помощь его матери.—У сендан онасига ёрдам бериб турганинг учун миннатдор каби. Бу

мазмунни ўзбек тилида қўшма гап билан ҳам ифодалаш мумкин: У сендан миннатдор, чунки сен унинг онасига ёрдам бериб турдинг каби.

Хулоса ўрнида: XXI асрдаги ўзбек тилшунослигида икки тилда ўрганиш янги йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундай вазият она тилини рус тили билан чоғиштириб ўрганишни, тилларга хос умумийлик асосида қиёсий ўрганишда икки тилнинг умумий ва хусусий томонларини аниқ тасаввур қилишда ва улардан нутқда тўғри фойдаланиш имконини беради.

REFERENCES

1. Азизов О. Сафаев А. Жамолхонов. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. Т., 1986.
2. Ҳамраева Й., Элмуродова Л. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий типологияси. Қарши: «Насаф», 2007.
3. Киссен И.А. Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков. Т., 1979.
4. Хасанова Вазира Хамиджановна, Толипова Дилдора Саттихановна, Шонийёзова Садокат Назаровна СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ФОНЕТИЧЕСКОГО СТРОЯ КОНТАКТИРУЮЩИХ ЯЗЫКОВ В АСПЕКТЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИКИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОЙ ФОНЕТИКЕ В УСЛОВИЯХ ДВУЯЗЫЧИЯ Uzbek Scholar Journal Volume-. -71-74, 2023-yil. www.uzbekscholar.com;
5. Амнликова Нафиса Рахматуллаевна, Хасанова Вазира Хамиджановна, Искандарова Ойбиби Рахимбаевна, Юсупов Шерматилла Рахматович. ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУПП ТРАНСПОРТНОГО ВУЗА РУССКОЙ ЛЕКСИКЕ. Uzbek Scholar Journal. -43-47, 2023-yil. Uzbek Scholar
6. Khasanova Vazira Khamidjanovna¹, Shoniyozova Sadokat Nazarovna, Tolipova Dildora Sattikhanovna, Atamkhamedova Guzal Sabirzhanovna. Formation And Improvement Of Word Usage Skills In The Technical Field. Journal of Positive School Psychology <http://journalppw.com> 2022, Vol. 6, No. 10, . -4318-4322, 2022-yil. <https://journalppw.com/index.php/jpsp/article/view/14495/9384>
7. Хасанова Вазира Хамиджановна. Формирование речевой компетенции при обучении русскому языку. Uzbek Scholar Jurnal. -444-448, 2022-yil. <https://uzbekscholar.com/index.php/uzs/article/view/405>
8. Хасанова Вазира Хамиджановна. Система грамматических заданий по освоению устной речи при обучении русскому языку. Uzbek Scholar Jurnal.-174-178,2022-yil. <https://uzbekscholar.com/index.php/uzs/article/view/359>
9. Хасанова Вазира Хамиджановна, Бабаходжаев Рашид Хашимович. ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СРЕДИ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ. ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР 5 ЖИЛД, 4 СОН. -24-28, 2022-yil. <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.00000000>
10. Khasanova Vazira Khamidzhanovna, Amanlikova Nafisa Rakhmatullaevna. The role and place of distance learning in education.. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE). -8651-8657, 2022-yil. DOI:10.9756/INTJECSE/V14I5.1110 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 05 2022
11. V.Kh. Khasanova, S. Shoniyozova, M.A.Akhmedova, and G.S.Atamukhamedova. Study of environmental problems and modern modes of transport at the university. ICPPMS-2021

- konferensiya materiallari 2432-son. -030029-1- 030029-4, 2022-yil.
<http://dx.doi.org/10.1063/5.0089972>
12. Kosimova Dilfuza Kurganovna¹, Abdurakhmanova Sokhibakhan Abdusalamovna², Akhrorova Nigora Sabirovna³, Abdukadirova Shakhnoza Gafurovna⁴(2022), The Use Of Interactive Methods And Literary Lessons And High School Education, Journal of Positive School Psychology . -4328-4332, 2022-yil. <http://journalppw.com>
 13. Хасанова Вазира Хамиджановна, Атамухамедова Гузал Сабиржановна. Professional and communicative competence of teaching information technology as the main component of the language training of students of technical universities. 1st International Scientific Conference "Modern Materials Science: Topical Issues, Achievements and Innovations". -1382-1388, 2022-yil. ISCMSTIAI-2022
 14. Хасанова Вазира Хамиджановна. Толипова Дилдора Саттихановна. THE ROLE OF COMPUTER TECHNOLOGY IN TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE. 1st International Scientific Conference "Modern Materials Science: Topical Issues, Achievements and Innovations". -1373-1377, 2022-yil. ISCMSTIAI-2022.
 15. Хасанова Вазира Хамиджановна, Бабаходжаев Рашид Хашимович. ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СРЕДИ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ. ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР . -7, 2022-yil.
 16. Хасанова Вазира Хамиджановна, Ходжаева Шахноз. Формирование русской речи у студентов с узбекским языком обучения. Замонавий таълим тизимини ривожлантириш ва унга қаратилган креатив ғоялар, таклифлар ва ечимлар . -120, 2022-yil.
 17. Xasanova. TECHNOLOGIES IN TEACHING IN IMPROVING THE QUALITY OF INDEPENDENT WORK IN TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE IN TECHNICAL UNIVERSITIES. "Modern Materials Science: Topical Issues, Achievements and Innovations" (ISCMSTIAI-2022). -1362-1367, 2022-yil. (ISCMSTIAI-2022).
 18. Khasanova Vazira Khamidjanovna. THE ROLE OF THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE IN A TECHNICAL UNIVERSITY. "Modern Materials Science: Topical Issues, Achievements and Innovations" (ISCMSTIAI-2022) . -1173-1177, 2022-yil. (ISCMSTIAI-2022).
 19. Хасанова Вазира Хамиджановна. ПРЕПОДАВАНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА ПРИ ПОДГОТОВКЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ТРАНСПОРТА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ. Prospects for Training International Specialists in the Field of Transport, International Scientific and Practical Conference. -624-631, 2022-yil. 10.24412/ 2181-1385-2022-1-624-631.
 20. Хасанова Вазира Хамиджановна, Ибрагимова Эльмира Рашитовна. Моделирование уроков русского языка в классах с полиэтническим составом учащихся. ИСЛАМ В РОССИИ. -262-265, 2022-yil.
 21. Хасанова Вазира Хамиджановна. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАВЫКОВ СЛОВОУПОТРЕБЛЕНИЯ В ТЕХНИЧЕСКОЙ СФЕРЕ. "Yosh ilmiy tadqiqotchi" I xalqaro ilmiy amaliy anjumani. -1008-1012, 2022-yil.
 22. Хасанова Вазира Хамиджановна. Изучение творчества Максуда Шейхзаде среди молодежи. Изучение творчества Максуда Шейхзаде среди молодежи. -120, 2021-yil.
 23. Хасанова Вазира Хамиджановна, Ибрагимова Эльмира Рашитовна. ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ У СТУДЕНТОВ НЕЯЗЫКОВЫХ ВУЗОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ. MUALLIM | УЧИТЕЛЬ | TEACHER №3 . -64-67, 2022-yil. <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0850-2022-SI-3-14>.